

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

22

(285)

YURIDIK GAZETA

Iyun					
D.	2	9	16	23	30
S.	3	10	17	24	
Ch.	4	11	18	25	
P.	5	12	19	26	
J.	6	13	20	27	
Sh.	7	14	21	28	
Y.	1	8	15	22	29
2003					

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqra boshlagan.

E-mail: Info@huquq.uz

Чоршанбадан Чоршанбагача

28 май

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммити ҳамда МДХ давлат раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этиш, шунингдек, Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тантаналарда иштирок этиш учун 28-30 май кунлари Россия Федерациясида бўлди.

29 май

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» қонуни (янги тахрирда) лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

2 июнь

Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Мажлисида парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси ҳамда Молия вазирлиги томонидан ташкил этилган «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Венгрия пойтахти Будапешт шаҳри мэри Габор Демски раҳбарлигидаги делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор идора ва муассасаларида учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири С.Сафоев Италиянинг мамлакатимизга тайинланган янги элчиси А.Персиани билан учрашди. Элчи Ўзбекистон Республикаси Президенти номига битилган ишонч ёрликларини топширди.


ҚУТЛОВ

Яқинда қутлуг 60 ёшга тўлган Сурхондарё вилоят прокурорининг Давлат божхона ва солиқ кўмиталари идораларида суриштирув ҳамда тергов устидан назорат қилиш бўйича ёрдамчиси Жўра Азизов прокуратура органларида кўп йиллар самарали фаолият кўрсатганлиги учун «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг faxрий ходими» нишони билан тақдирланди.

ТО'RTINCHI НОКИМИЯТ

МАТБУОТСИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎҚ

2 июнь кунин Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида навбатдаги ўқув курси бошланди. Мазкур ўқувнинг бу галги тингловчилари прокуратура органлари муассислигида чоп этиладиган ҳуқуқий газеталар бош муҳаррирлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг қонунларни муҳасамалаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўйича катта ёрдамчилари бўлишди.



«АҚШда ахборот олиш эркинлиги тамойилининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида жорий қилиниши», «Правда Востока» газетаси бош муҳаррири Б.Ҳасановнинг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг

Маълумки, мамлакатимизда ҳуқуқий нашрлар асосан мустақиллик йилларида шаклланди. Ўзбек миллий матбуотида «ҳуқуқий нашр» деган янги термин пайдо бўлди. Қисқа давр ичида кўплаб журналистлар шу соҳага ихтисослашди. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг моҳиятини халққа етказиб келмоқда. Президентимиз Ислам Каримов 2002 йил 27 июнда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида шундай таъкидлаган эди: **«... жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга, машаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик ҳолисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғрисузлик муҳити ҳукмрон бўлади.**

Чунки ютуқни ютуқ, камчилиқни камчилик, жиноятни жиноят, хибнатни хибнат деб, ҳамма нарсаи ўз номи билан аташ — том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради.

Юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошири-

лаётган тарихий ўзгаришлар моҳиятини кенг омма эътиборига етказишда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнамоқда. Ҳақиқат савол тугилиши мумкин. Нима учун журналистлар ўқуви ташкил қилинди? Сабаби, мустақиллик йилларида 400 га яқин қонун, 25 та кодекс қабул қилинди. Уларнинг халққа етиб боришида ОАВнинг ўрни бекиёс. Бу залворли ишнинг бошида журналистлар туриши сир эмас.

Бугунги куннинг ҳуқуқий мавзуда ёзадиган журналисти Фуқаролик кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, «Судлар тўғрисида»-ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»-ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»-ги, «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги сингари кўплаб қонунларни пухта билиши лозим. Ушбу ўқувдан мақсад бош муҳаррирлар билан бу борада фикр алмашиш, «Диёнат» (Наманган), «Адолат кўзгуси» (Сирдарё), «Адолат кучи» (Қашқадарё) каби муштарийлар эътиборини қозongan газеталарининг иш тажрибасини оммалаштиришдир. Семинар қатнашчилари АҚШ Адлия вазирининг Ўзбекистондаги маслаҳатчиси Синтия Стоуннинг

моҳияти, унинг ижро этилишидаги муаммолар-мавзусидаги маърузаларини тинглашди.

6 июнгача тингловчилар Олий Мажлис депутатлари И.Фадуров, Ҳ.Ҳошимов, Х.Дўстмуҳаммад, Р.Каримовлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг бугунги ОАВ ҳақидаги маърузаларини эшитишди.

Тингловчиларни пойтахтимизнинг тарихий жойларига саёҳат қилдириш режамизга киритилган.

Прокуратура ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги соҳасида қонуний ва ҳуқуқий тартибни таъминлаш муҳим масалага айланди. Албатта, ҳамкорликда эришаётган ютуқларимиз кўп ва улар ҳақида фахрланиб гапиришимиз мумкин. Бироқ ҳали ечилиши лозим бўлган талай муаммолар ҳам бор.

Семинарда ана шу саволларга жавоб топилади деб ўйлайман.

С.ОРТИКОВА,
Республика Бош
прокуратурасининг
бўлим бошлиғи.
А.ТўРАЕВ олган суратлар

Матбуотлар,
шиқоятлар,
жавоблар

3-бет

Суд ижрозилари диққатига

ЖАВОБИ ЧАЛА ЭКАН...

Прокуратура органларига ва «Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририятига воғга етмаганларнинг алимент олиш ҳуқуқини бузилиши ҳолатлари ҳақида кўплаб шикоятлар келмоқда.

5-бет

ОПА-УКА
«ҲОЖАТБАРОР»ЛАР

ЁХУД ЗАМОНАВИЙ ЭРТАК

6-бет

...у доим
Америка
халқини «қизил
тахдид» билан
қўрқитар эди.

ПРЕЗИДЕНТ НИКСОННИНГ
ИСТЕЪФОСИ

7-бет

Моҳият

Халқинингни сев, қонун ҳокимиятини ҳурмат қил.

К.Ф.РИЛЕЕВ

Кейинги соҳада

Жиноят иши

КИССАГА ИШЛОВЧИ РАИС

